

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Маълумки, ХХІ асрни ахборот жамияти деб аташ одат тусига кирган бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти ахборот ва телекоммуникация технологияларининг жамият ҳаётининг барча жабҳаларига, шу жумладан, жинойи одил судлов соҳасига жорий этилиши ҳисобланади¹⁸⁰. Бугунги глобаллашув шароитида ИТ ривожланиши мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига кескин таъсир ўтказмоқда. Ҳозирги кунда “Digital Economy” (рақамли иқтисодиёт), “Blockchain” (блокчейн), “Internet of things” (автоматлаштирилган интернет тизим) “Artificial intelligence” (сунъий интеллект), “Big Data” (катта маълумотлар) каби кўплаб иборалар замонавий инсон ҳаётининг ажралмас бўлагига айланди. ИТ кундалик ҳаётимизнинг барча соҳасини қамраб олмоқда¹.

Тарихда қоғоз жиноят ишида асосий ахборот ташувчиси ҳисобланади. Турли тергов ҳаракатлари, терговчи ва суднинг қарорлари ёзма процессуал ҳужжатларда у ёки бу тарзда акс эттирилади. Ҳатто ҳодиса жойини кўздан кечириш ва бошқа тергов ва процессуал ҳаракатлар натижасида олинган фотосуратлар ҳам қоғозда тузилган фотожадваллар сифатида жиноят ишига илова қилинади. Жиноят ишининг мураккаблиги ва кўп эпизодлилиги, ўнлаб турли хил суд-тиббий экспертизалари, айбланувчилар, гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг кўплиги муқаррар равишда жуда кўп миқдордаги тергов материалларига олиб келади, бу эса, ўз навбатида, катта ва оғир ҳажмдаги жиноят ишлари пайдо бўлишига ёрдам беради. Суд амалиёти жиноят ишининг ҳажми 50 жилддан ортиқ бўлган кўплаб ҳолатларни билади. Бундан ташқари, қоғоз ҳеч қандай тарзда ёнғин таъсиридан ҳимояланмаган, бунинг натижасида жиноят иши осонгина йўқ қилиниши мумкин.

Жиноят ишини юритишнинг янги шаклига ўтиш, қоғоз шаклдаги процессуал ҳужжатларни рад этиш зарурати туғилмоқда,

¹⁷⁹

Тошкент давлат юридик университет докторанти

¹⁸⁰ Тульская О.В. Некоторые проблемы использования электронных документов в качестве доказательств в уголовном судопроизводстве // Вестник Академии Генеральной Прокуратуры РФ. 2009. № 6 (14). Б. 74-78.

бу эса жиноят процессини модернизация қилиш йўлидаги қадам бўлади. Хусусан, жиноят ишининг электрон шаклини қўллаш таклиф этилмоқда, бу эса муайян жиноятга оид далилларни тўплаш ва процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришнинг бутун тартибини соддалаштиради^{181 182}.

Шу боис жиноят ишини юритишнинг янги шаклига ўтиш ва қоғоз процессуал ҳужжатларни рад этиш жиноят процессини модернизация қилишдаги дастлабки қадамлардан бири бўлди.

Жиноят процессида ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асоси сифатида қонун ҳужжатларида белгиланган, уларни қўллаш шарт-шароитлари, мазмуни, мақсадлари ва тартибини белгиловчи тамойиллар ва қоидалардан иборат. Умуман олганда, жиноят процессида АКТ воситаларидан фойдаланишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими Жиноят-процессуал кодекси нормалари, Президент фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат фармонлари (қарорлари) ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ чиқарилган айрим идоравий ҳужжатлардан иборат.

Ўзбекистонда жиноий судловни ислоҳ қилишнинг янги даври тизимли равишда олиб борилмоқда. 2019 йил 23 май куни ЎРҚ-542-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги¹ Қонун расман эълон қилинди, у моҳиятан электрон суд жараёнини жорий этади.

Мазкур қонуннинг энг ёрқин янгиликларидан бири ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга рақамли тергов тизими - электрон жиноят иши (Е-жиноят иши) жорий этилишидир. Мазкур қонун билан ЖПКга янги моддалар киритилган бўлиб, бундан буён Ўзбекистон Республикасида жиноят процесси қоғоз шакл билан бир қаторда электрон шаклда ҳам юритилиши назарда тутилган.

¹⁸¹ Садиков М. Замонавий юридик амалиётда “legal tech”^Н ўрни ва роли // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали | Журнал правовых исследований | Journal of law research - №6 (2020) - Б.11

¹⁸². Вехов В. Б. Электронные доказательства: проблемы теории и практики // Правопорядок: история, теория, практика. - 2016. - №3. - Б. 46-50; Тиунова А. И. Внедрение электронных средств в уголовное судопроизводство на примере комплексной информационной системы судов общей юрисдикции // Правопорядок: история, теория, практика. - 2016. - №3. - Б. 7174; Халиуллина Л. Г. Электронная форма процессуальных документов в уголовном процессе: проблемы теории и практики // Правопорядок: история, теория, практика. - 2016. - №3. - Б. 75-79.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори^{183 184} билан тасдиқланган Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясининг “Жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини жорий этиш” номли 3-бўлими еттинчи бандида илк бор суд-тергов фаолиятида, хусусан «Электрон жиноят иши» ва «масофадан сўроқ қилиш» тизимларини жорий этишда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлаш вазифаси белгиланган. Худди шу қарор билан Тошкент шаҳрининг Яккасарой ва Миробод туманларида “Электрон жиноят иши” пилот лойиҳасини амалга ошириш, лойиҳада ҳужжатларнинг қоғоз ва электрон шаклларида бир вақтда фойдаланиш, иш жойларини жиҳозлаш, ички локал-компьютер тармоқларини яратиш кўзда тутилган.

Электрон жиноят иши электрон ҳужжат айланишини ривожлантиришнинг энг юқори нуқтасидир. Кўпгина давлатлар ушбу муаммони ҳал қилишнинг турли даражаларида бўлган ҳолда бу йўналишда ҳаракат қилмоқдалар. Электрон адлия тизимлари АҚШ, Канада, Германияда жорий этилмоқда. Бельгияда 2005 йилда «Phenix» лойиҳаси яратилган бўлиб, унинг доирасида электрон ҳужжат айланиши тизимига қўшимча равишда "электрон файл" полиция, адвокат, тарафлар ва бошқа органлар томонидан тўлдирилиши мумкин эди. Аутентификация масаласи электрон паспорт (eID) ёрдамида ҳал қилинди¹. Саудия Арабистонида кўп жиноят ишлари икки кун ичида тугайди. Бу мамлакатда улар бир неча йил аввал электрон жиноят ишларига ўтиб, тергов вақтини 80 фоизга қисқартирган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини ислоҳ қилишнинг ижобий тажрибасини 2011 йилда жиноят ишнинг электрон форматига ўтиш амалга оширилган Грузияда ҳам кузатиш мумкин. Жанубий Корея, Сингапур, Эстония бу борада сезиларли ютуқларга эришди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон суд амалиётида жисмоний ва юридик шахслар томонидан (ижтимоий тармоқ ёзишмалари, электрон почта, СМС, ММС, флешка, диск, компьютер, Интернет, маҳаллий (локал) тармоқ ва бошқа коммуникация воситаларида

¹⁸³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон

¹⁸⁴ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-

сон

юборилган) электрон далилларни тақдим этиш ҳолатлари кўп учраши, электрон далилларни текшириш ва баҳолаш, электрон далилларни экспертиза қилиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга ошириш механизми мавжуд эмаслиги бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда^{185 186}.

Электрон жиноят ишида унинг қулай, ихчам, мобил ва осон бошқарилиши тергов органлари ва суд учун ижобийдир. Жиноят иши материалларини (юрисдикциясига кўра бир ички ишлар бўлиmidан бошқасига; текшириш учун терговчидан прокурорга ёки тергов органи раҳбарига¹⁸⁷; прокурордан судга кўриб чиқиш учун ва ҳоказо) юбориш учун вақт тежалади; қоғоз харажатларини камайтириш; жиноят процесси иштирокчиларини жиноят иши материаллари билан таништиришда қулайлик; ихчам сақлаш; нусха кўчириш қулайлиги.

Ҳар қандай янги технология сингари, жиноят ишининг электрон шаклини жорий этиш режани тўғри ва тўлиқ амалга оширишга имкон бермайдиган маълум тўсиқлар билан тўсқинлик қилиши мумкин.

Биринчидан, электрон жиноят ишлари ва электрон маълумотлар базаларини зарарли дастурлардан, рухсатсиз кириш ва ҳакерлик ҳужумларидан ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқмасдан туриб, ушбу технологияларни жиноят процессига жорий этиш ва улардан хотиржам фойдаланиш мумкин бўлмайди.

Иккинчидан, жиноят процессининг иштирокчиларининг жиноят ишини эркин тергов қилиш, зарур электрон иш материалларини шакллантириш имкониятига эга бўлиши учун барча тергов органлари, суриштирув органлари ва прокурорларни мобил автоматлаштирилган тизимлар ва технологиялар билан жиҳозлаш масаласини ҳал этиш зарур.

Учинчидан, барча ҳудудларда ва тергов, суриштирув, прокуратура ва суднинг барча таркибий бўлинмаларида ягона стандарт (ягона дастурий таъминот) жорий этилиши учун электрон

¹⁸⁵ <http://ec.europa.eu/idabc/servlets/Doc3443.pdf?id=32321>.

¹⁸⁶ Д.Хабибуллаев. Мамлакатимиз фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани ва қонунчилигини ривожлантириш бўйича айрим мулоҳазалар // Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. I жилд / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. -Т.: “Lesson press”. 2020. - Б.189. 150

¹⁸⁷ Познанский, Ю. Н. Электронное уголовное дело в решении проблемы расследования уголовного дела в разумные сроки / Ю. Н. Познанский / Труды академии управления МВД России. — 2015. — № 1 (33). — Б. 41—44.

жиноят ишларининг процессуал шакллари унификация қилиш, ҳужжатларни ҳар қандай ўзгартириш ёки қалбакилаштиришни истисно қилиш билан боғлиқ муаммони ҳал қилиш зарур.

Тўртинчидан, “электрон жиноят иши”дан фойдаланишда жиноят процесси иштирокчилари (айниқса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки жабрланувчи) ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилиши ёки камситилишининг олдини олиш жуда муҳим.

Бешинчидан, электрон жиноят иши технологиясидан муваффақиятли фойдаланиш учун жамиятда ҳар бир киши компьютер технологияларидан бемалол фойдалана олиши зарур.

Олтинчидан, жиноят ишининг электрон материалларига тергов, эксперт, суд ва бошқа органларнинг муҳрларини босиш билан боғлиқ масалани уларни тасдиқлаш учун ҳал қилиш зарур, чунки электрон ҳужжатда муҳрнинг рақамли шакллари мавжуд эмас.

Еттинчидан, дастлабки босқичда бир мунча вақт жиноят иши юритишнинг иккита шакли параллел равишда мавжуд бўлиши мумкин, чунки бу омил янги технологияга "кўникиш" имкониятини бериш ва жиноят ишининг электрон шаклининг ишлаш жараёнидаги кўплаб хато ва камчиликларни бартараф этиш учун зарурдир.

Саккизинчидан, жиноят ишининг электрон шаклини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишда, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда ижро этувчи ҳокимият органлари, хусусан, Ҳукумат томонидан ҳам кўмак зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Неъматов, Жасур. "Определение статуса и особенностей проведения допроса участника уголовного судопроизводства." in Library 20.3 (2020): 57-58.

2. Неъматов, Жасур. "Цель и особенности методологии проведения допроса в уголовном судопроизводстве." Общество и инновации 1.2 (2020): 251-259.

3. Неъматов, Жасур, and Бектурсун Муродкосимов. "Судлар фаолиятини рақамлаштириш—Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга хизмат қилади." Актуальные вопросы и перспективы цифровизации судебно-правовой деятельности 1.01 (2022): 131-138